

ISSN 2181-7324

# ЎзМУ ХАБАРЛАРИ



№ 1/5 ◊ 2018

Инстимоий-  
гуманитар  
файлар  
йўналиши

Направление  
социально-  
гуманитарных  
наук

Social-  
humanitarian  
sciences



ВЕСТНИК НУУЗ ◊ АСТА NUUz

# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУЗ

### АСТА НУУЗ

МИРZO УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Бош мухаррир:

А.Р. МАРАХИМОВ – т.ф.д., профессор.

Болл мухаррир ўринбосари:

А.С. ТҮРӘЕВ – к.ф.д.

Таҳрир хайъати:

Мургазева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Юнусова Ҳ.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.И. – т.ф.д.

Одилов А.А. – т.ф.н., доц.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Курбонов М. – п.ф.д., проф.

Марданов Ш.К. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мӯлинов А.Ғ. – с.ф.д.

Ганиева М.Ҳ. – соци.ф.д., проф.

Каримов Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Менглиев Б.Р. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.н.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сидикова И.А. – фил.ф.д., проф.

ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИКА  
БОШЛАГАН

2018  
1/5

Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми

Масбул котиб; К. РИХСИЕВ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа

Abdusamatov X. Nikohdan tashqari munosabatlarning yuzaga kelishining ayrim ijtimoiy-psixologik xususiyatlari .....	129
Абдуллаханова Д.С. Хотин-кизларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ва ундан фойдаланиш масалалари .....	132
Абдухаиров Р.А. Развитие педагогической культуры учителя трудового обучения на основе личностно-деятельностного подхода .....	135
Акрамов Ж.Д. Маъмурӣ ислоҳотлар концепцияси Ўзбекистонда ижро ҳокимиётини модернизациялашнинг бош назарий мезони сифатида .....	138
Алижонова М.Р. Степень приобщения студенческой молодежи к национальным ценностям .....	142
Алимов Ф.Ш. Нофилологик факультет чет ўқитувчиларининг лингвомаданий компетенциясини шакллантириш масалалари .....	145
Алимова К.Х. Text understanding process and its psycholinguistic factors.....	148
Аллаярова С.Н., Абдурахманов У.З. Таълимда модулли-кредит тизимининг мазмун ва моҳияти .....	152
Аминова Ф. Таълим тизимига инновацион ёндошув .....	159
Баратов Р.Ў. Ўзбекистонда темир йўл тизимида етук кадрлар тайёрлаш: истикбол, тажриба, имконият ...	162
Бобокулова Х.Э. Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий – фалсафий тафаккурининг ривожланиш хусусиятлари .....	166
Ботиров Б.М., Исмонлова Х.Т. “Ахлокий кадриятлар шаклланганлиги ва улар ўтайдиган функцияларни ўрганиш” методикаси апробацияси натижалари хусусида .....	168
Ботирова Д. Кадрлар сиёсатининг психологик-акмеологик хусусиятлари .....	172
Ганиев Д.Г. Проблемы формирования семьи в Узбекистане .....	174
Ғайбуллаев О. Глобаллашув даврида ёшларни маънавий таҳдидлардан асрарша эстетик ва ахлокий кадриятларнинг ўни .....	177
Давлетов Э.Ю. Компетенциялар ва компетентлиларка оид назарий ёндашувлар .....	181
Djurayev A.M., Djurayev A.A. The need for environmental education and the formation of environmental thinking of the youth of Uzbekistan .....	184
Дуланов Б. Раҳбар имижини шакллантиришнинг инновацион омиллари .....	188
Душанов Р.Х. Ички ишлар органлари тизимида касбий танлов ўtkазишнинг психологик асослари .....	195
Jabborova A.J., Husanova N.N. Improving students' effective writing skills .....	200
Зайнiddинов Т.Б. Психолого-педагогическое сопровождение спортивной деятельности у футболистов разного возраста .....	202
Zaitov E.X., Muzaffarov S.I. Chet eldag'i ko'ngillilar (volontyorlar) harakatini O'zbekiston sharoitida tashkil etish muammolari .....	205
Избуллаева Г.В. «Тўтинома» дидактик йўналишдаги панднома асар .....	208
Иминахунова И.Х. Компоненты самообразовательной деятельности .....	214
Исмаилов Х. Ўқувчи ёшларда ўсимликлар оламига нисбатан экологик онгини шакллантириш .....	217
Каримова Б.Х. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини кадриятлар асосида камолга етказишида интерактив методлардан фойдаланиш .....	220
Кудратуллаева Р. Особенности повышения квалификации педагогических кадров .....	224
Кудратуллаева Р., Абдуллаев Б. Болаларда агрессив хулк-авторнинг шаклланишида оиласви мухитнинг ўрни .....	228
Қутлимуротова Н.Х., Турамбетова А.К. Аналитик кимё фанини ўқитишида янги педагогик технологиялар ва ахборот коммуникацион воситаларнинг роли .....	230
Кучкарова Н. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини иктисолий – маданиятини ривожлантариш – ижтимоий зарурият сифатида .....	233
Мажидов Н.М. Ижтимоий фаолликнинг шаклланишида педагогик амалиётнинг ўрни .....	236
Маматов Ш.М. Қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир .....	239
Мамадалиев М.М. Анъана тушунчасининг фалсафий моҳияти ва эстетик жиҳатлари .....	242
Матназарова М.Б. Сущность и понятие профессиональной компетентности педагогических кадров системы непрерывного образования .....	246
Махмудов Н.А., Раҳмонов И.Я., Акрамов Ж.С., Саттарова Г.А., Эсанов Э.А. Математика амалий машгулотларида касбга йўналтирувчи масалалар .....	249
Махмудова Х.Т. Научно-практический подход к изучению несовершеннолетних потерпевших от изнасилования .....	252
Майдинов Д.Н. Влияние миграционных процессов на политическую, социальную, культурную и экономическую стабильность в Европе .....	256
Мухамедова Д.Г. Влияние управленческого стиля менеджеров на конструктивное взаимодействие в ситуации конфликта .....	261
Намазова Ю.М. XIX асрнинг охирида Туркистанда диний таълим .....	265
Нарбаев А.Б. Медиатехнология воситаларидан фойдаланиш астрономия ўқитишида самараордирлини оширишнинг мухим омили .....	268

## ТАЪЛИМДА МОДУЛЛИ-КРЕДИТ ТИЗИМИНИГ МАЗМУН ВА МОХИЯТИ

Аллаярова С.Н., Абдурахманов У.З. \*

## РЕЗЮМЕ

Таълим жараёни давлат ва жасимият тараққиётини белгилаб берувчи соҳаси сифатида доимий ўзгариши тараба этадиган ҳодиса. Шунинг учун бугунги кунда Ўзбекистонда барча соҳалар каби таълим тизими, хусусан олий таълим ҳам ривожланган мамлакатлар тажсрибасидан самарали фойдаланиши, унинг миллий манфаат ва дунёқарашимиз учун қўллаш мумкин бўлган жиҳатларини ўзлаштиришига ҳукумат даражасида катта эътибор қаратилган.

Шу нуқтаи назардан ер юзининг аксарият тараққий этган ҳудудлари ОТМлари амалда қўллаётган таълимнинг модулли кредит тизими мамлакатимиз учун бирмунча янгилек ҳисобланади. Унинг юртимиз ОТМларидан ҳам таълимни ташкиллаштиришида жорий қилиншиши бу тизимни ўрганиш ва ўзлаштиришини тақозо этади. Мақолада мазкур тизимнинг қисқача тарихи, уни қўллаш тамоиллари ва умумий тушунчалари тўгрисида фикрлар берилган. Шунингдек таълимнинг модулли кредит тизимини Ўзбекистон ОТМларига жорий қилишида айрим таклиф ва тавсиялар билдирилган.

**Калит сўзлар:** кредит тизими, кредит, модул, модулнинг ишчи дастури, мустақил таълим, таълимда шаффоғлик, ўртacha балл, академик мобиллик, академик алмашинув, икки мутахассислик берувчи таълим, индивидуал ўқув дастури, танлов модул, мажбурий модул, портфолио.

Мақола ПЗ-20170929789-сонли “Ўзбекистонда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида илгор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини такомиллаштириш механизmlарини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиха доирасида тайёрланган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг 4-йўналиши 3-бандида ва “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида юртимизда таълим соҳасидаги янги ислоҳотларнинг мазмуни, илгор хорижий тажриба ва миллий амалиётдан келиб чиқиб иш берувчилар ва буюртмачилар иштирокида олий таълимнинг давлат таълим стандартларини ҳалқаро стандартлар ва талабларни хисобга олган ҳолда қайтадан ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бу ўз навбатида жаҳонда ривожланган давлатлар томонидан тан олинган ва амалда қўлланилаётган тизимларни ўрганишини тақозо этади. Шу туфайли бугун мамлакатимизда ўқитишнинг модулли-кредит тизими кенг доирада ўрганила бошланди. Маълумки мазкур таълим тизими Farbda, кисман Шарқий Осиёнинг ривожланган давлатларида кенг фойдаланилиб асосан олий таълимда самарали қўлланилади.

Таълимнинг модулли кредит тизими биринчи марта АҚШда вужудга келган. 1869 йилда Гарвард университети Президенти Чарлз Эллиот ўқув жараёнини ташкил этишда “кредит тизими” тушунчасини киритди ва 1870-1880 йилларда ўқув фанлари ҳажмини кредит соатларда ўлчанадиган тизим жорий килинди[1].

Сўнгги ўн йиллар мобайнида ривожланган Farb таълим муассасалари, хусусан, олий таълим муассасаларининг ўқув, ўқув-услубий базаси ва моддий-техник инфратузилмаси улкан ютукларга эришди. Таълим муассасалари ўзида ахборот технологияларини жадал ривожлантиришга, ўқув жараёнида фаол фойдаланиш учун илмий ва технологик парклар барпо этишга, ишлаб чиқариш корхоналари билан фаол ҳамкорлик ўрнатишга,

ички доирада ўзаро боғланган компьютер тармокларини яратишга киришилар.

Таълим жараёнини ягона стандартлар асосида ташкил этиш максадида Европа Иттифокида минтакавий илмий тузилмалар шакллантирилди, таълим соҳасида умумий, яхлит тизим яратиш бўйича изчил ишлар амалга оширилди ва бу ишлар бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда.

1999 йил Италияning Болонья шаҳрида 29 давлат вакиллари иштирокида Европа Иттифоки мамлакатлари олий таълимнинг ягона тузилмасини шакллантириш ҳамда мутахассисликни белгиловчи хужжатларни академик ва кассий тан олишини осонлаштирадиган, бирлаштирилган таълим тизимини йўлга кўйиш тўгрисидаги Декларация имзоланди. Мазкур хужжатга асосан энди шу декларацияни кабул қилган давлатлар битиравчилари дипломлари Европа бўйлаб тан олинида ва уларнинг Иттифок доирасида ўзлари истаган давлатда ишга жойлашиш имкониятини берди. Ҳозирда Болонья декларациясини дунёning 49 давлати тан олган.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари ҳам якин йиллар ичида Болонья декларациясида белгиланган мезонларга асосланган таълимнинг модулли-кредит тизимига ўтишига тайёрланишмоқда. Шу боисдан ушбу тартиби умумий ва хусусий ҳолда ўрганиш, унинг моҳиятини очиш, бизнинг асрлар давомида шаклланган таълим тизими ва руҳиятига таъсирини, самарали томонларини солишиб, ундан ислоҳ килинаётган миллий таълим тизимида самарали фойдаланиш ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг таълимга масъул ташкилот ва мутасаддиларининг мухим вазифалардан бири хисобланади.

Болонья декларациясига аъзо давлатлар олий таълим тизими икки босқичли тартибга ўтишлари шарт. Биринчи босқич бакалавр босқичи бўлиб 3-4 йил давом этади. Бу босқични битирган талаба бакалавр даражасига ва муайян соҳада меҳнат килиш имкониятига эга бўлади. Иккинчи босқич дастурини ўқиб ўзлаштирганлар магистр даражасига эга бўлади ва улар ўқиш учун 1-2 йил вакт

\* Аллаярова С.Н. – ЎзМУ доценти в.б., фалс.ф.н.  
Абдурахманов У.З. – ТДЮУ кафедраси мудири.

сарфлашади[2].

Модулли-кредит тизимини кўллашда асосий жиҳатлардан бири давлатларнинг олий таълим тизимида ягона баҳолаш бирликлари тизими хисобланади. Бу ECTS (European Credit Transfer System) ёки шу тизимга мувофиқ келувчи ва талабларига жавоб берувчи, модулларни ўзлаштириш кўрсаткичларини жамгариш функциялари билан таъминланган ва хорижда академик таълим олишина кафолатлайдиган тизимdir. 1999 йилнинг ўзида ECTS Европанинг 1062 ОТМларида кўлланила бошланди.

Олий таълимга модулли-кредит тизимининг жорий килиниши куйидаги имкониятларни келтириб чиқаради:

- таълим сифатини таъминлашда Европа ва Декларацияга аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, баҳолашнинг ягона методологияси ва мезонларини ишлаб чиқиш;

- талабалар, ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ва таълим муассасалари бошқарув ходимларининг мобиллигини (академик ҳаракатчанлик, яъни бир ОТМдан бошка ОТМга ўтиб фаолиятни давом эттириш) таъминлаш;

- ҳамкорликда қўшма ўкув дастурлари ва илмий тадқиқотларни жорий килиш, комплекс ўкув курсларини яратиш ва ўкув дастурларини тақомиллаштириш;

- Европа ва бошка китъалардаги Декларацияга аъзо мамлакатлар олий таълим тизими ва илмий тадқиқотларининг жозибадорлигини ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш.

Европа минтақасида олий таълимнинг ўзига хос мухитини яратишида сифат масаласи ўзаро ишончнинг фундаментал асоси бўлиб шаклланди. Мазкур контекстдаги сифат категорияси Европа олий таълими соҳасида ишонч, долзарблик, ҳаракатчанлик, мувофиқлик ва жозибадорликнинг асосий шартиdir[3]. Шу билан бирга ушбу таълим тизими олий таълим муассасаларининг, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро тан олинган сифат кафолати тизимларини яратиш, мамлакатларнинг турли-туманлигини ва миллий олий таълим тизимларининг хусусиятларини хисобга олган ҳолда ишлаб чиқилишига ҳам йўл беради.

Баъзи Европа Иттифоқи мамлакатларида таълим сифатини баҳолаш бўйича миллий тизимлар аллақачон ишлаб чиқилган ва улар мувафқиятли кўлланилмоқда, бошка давлатларда эса бу жараён энди бошланди[4]. Европада таълим сифати назоратини амалга оширувчи минтақавий органлар ҳам шаклланди, олий таълимда Европа Сифат назорати тармоғи ENQA (European Network of Quality Assurance in Higher Education) ташкилоти фаолияти йўлга кўйилганлиги фикримизга мисол бўла олади.

Европа давлатларининг таълим бўйича мутасадди вакиллари билимларни баҳолашнинг ягона мезон бўлган кредит тизимини яратишиди. Бу орқали ҳамкорликдаги университетлар ўзаро маслаҳатлашувлар ва тажриба алмашинишлардан

сўнг жорий килинган дастур ва модулларни ҳақиқий деб тан олиш керак бўлади.

Болонъя Декларациясига мувофиқ таълим сифатини баҳолаш мезонлари ва методологиясини ишлаб чиқиш, ҳукуматлар ва ҳалқаро ташкилотлардан мустакил фаолият олиб борувчи аккредитация агентликларини тузиш таклиф этилади. Баҳолаш ўкув жараёнининг давомийлиги ёки мазмунига кўра эмас, балки битирувчиларнинг эгаллаган билимлари, кўникмалари ва малакаларига асосан амалга ошириш кераклиги таъкидланади[5].

Юкорида келтирилган фикрлар ва маълумотлардан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкини Европада шаклланган таълимнинг модулли-кредит тизимида энг муҳим компонент кредитларdir. Хар бир ўкув модули учун унинг иш ҳажмидан, ўрганаётган касбини ўзлаштиришдаги аҳамияти нуткаи назаридан маълум бир кредит - балл, баҳо белгиланади. Модулни муваффақиятли ўзлаштирган талаба кўрсаткичлар жамғармасида одинданд белгиланган миқдордаги кредитларни тўплайди, йигилган жами кредитлар микдори унга тегиши бакалавр ёки магистр даражасини олиш имконини беради.

Таълимда ўқитишининг модулли кредит тизими кўп йиллардан бери Европа, Америка ва Осиёнинг ривожланган давлатлари университетларида кўлланилиб келинмоқда. Кредит тизими шаффоф ва энг муҳими талабаларнинг эркин академик ҳаракатланишга имкон берувчи тартибdir. "ECTS туридаги кредит тизимини жорий этиш, Европанинг кредитларни узатиш тизими талабаларнинг кенг доирада академик ҳаракатланишини кўллаб-куватлаш воситаси сифатида каралади. Кредитлар олий таълим доирасидан ташкарида ҳам олиниши мумкин. Бунда улар муайян шахсларга манфаатдор университетлар томонидан эркин тарзда, талаба мақомига эга бўлмаган ҳолда, лекин муайян модулни ўрганиш максадида, унинг ҳаёти мобайнida таълим олиши белгиланган бўлиши керак"[6].

Таълимнинг модулли-кредит тизими (modular credit system) – мустакил таълим олишига қарарилган ва индивидуаллик асосда билимни ижодий ўзлаштириш, ўкув жараёнини қатъий белгиланган ҳолда таълим йўлини танлаш ва кредит ҳолида билим ҳажмини белгилайдиган ўкув жараёнини ташкил этиш модели[7]. Кредит (Credit, Credit-hour) – барча академик даврларда меҳнат юкламасига мос равишда талаба ёки ўқитувчининг ўкув ишларининг ҳажмини ўлчаб берувчи ўзига хос бирлиқdir. Умумий қабул қилинган таълимнинг кредит технологиясининг ўзига хос томонларидан бири ҳалқаро умумтаълим стандартларига мос келиши ва таълим тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш муммомлари, жаҳон тенденцияларини хисобга олган универсал таълим дастури, академик эркинлик ва ўкув дастурларини вариативлигидir. Мазкур тизим талабаларда бошка маҳаллий ёки хорижий университет таълим масканларида эркин ўкиш имкониятларини вужудга келтиради, бакалавр ва магистратура битирувчиларини мазкур тизим амал

киладиган барча давлатларда ишга жойлашиш хукукларини юзага келтиради.

Олий таълимда ўқув фаолиятини ташкил этишда ўқитишнинг модулли кредит тизимидан фойдаланиш кўйидаги устивор жиҳатлардан иборат:

- таълим ва ўқитишнинг сифати ўзаро рақобат мухитида оширилиши;
- меҳнат бозори талабарининг хисобга олиниши;
- олий таълим тизимининг кўп босқичлиги;
- академик кредитлар тизимининг кўлланилиши;
- ўқитувчи ва талабаларни ўзаро академик мулокотини таъминлаш;
- мустақил таълимни самарали ташкил этиш;
- дипломга ягона халқаро эътирофга эга иловани бериш;
- олий таълим сифатини назорат килиш ва бошкариш;
- Таълимни бошкариш ва назорат килишда шаффоффлик принципининг кўлланилиши.

Ўқитишнинг модулли кредит тизими ва технологиясини кўллаш орқали ўқув жараёнини ташкил килишнинг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

- a) ўзига хос билимлар ҳажми шакллантириш;
- b) таълимни максимал индивидуаллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- c) талабалар мустақил ишларининг ўрни ва самарадорлигини кучайтириш;
- d) талабаларнинг самарадорлик жараёнини назорат қилиш асосида таълимдаги аниқ ютукларни вужудга келтириш;

Таълимда модулли кредит тизими ва технологиясида таълим субъектлари учун ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб уларни кўйидагилар ташкил этади:

- талаба ва ўқитувчининг ҳар бир фандан меҳнат ҳажмини баҳолаш учун таълимнинг кредит тизимини жорий килиш;
- ишчи режага киритилган модулларни талаба томонидан эркин танланиши. Бу бевосита индивидуал ўқув режасини шакллантиришга ўз хиссасини кўшишини таъминлайди;
- талаба томонидан ўқитувчини танлашнинг эркинлиги. Бу ўқитувчининг ўз устида ишлашига ва ўзини ривожлантиришга катта туртки беради;
- таълимнинг аниқ йўналишини танлашда таълим жараёнига маслаҳатчиларни жалб килиш;
- талабаларнинг таълим ютукларини назорат килишда самарали методлар мавжуд бўлиши;
- таълимда интерактив методларни кенг кўлланилиши;
- талабанинг мажбурий дастурни ўзлаштиришда мустақил таълимни фаоллаштириш;
- талабаларнинг ҳар бир модул бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи ва таълим сифатини баҳолашда кредит тизимидан фойдаланиш;
- ўқув жараёнидаги талабаларни барча мухим ўқув ва методик материалларнинг электрон ва қозоғ варианtlари билан таъминлаш;

Мазкур тизимда муайян академик даражага этишиш учун “кредит-соат”лар ҳажми, яъни баҳо бирликларини тўплаш лозим бўлади. АҚШ тизимида USCS (US Credit system) – кредит-соат – бу ўқитиш вактига асосланган ўлчам. I кредит-соат нима билан ўлчанади?

- ўқитувчи ва талабанинг ўқув фаолияти;
- курс ва дастурнинг ҳажми билан ўлчанади.
- Талаба ўзлаштиришининг нисбий даражаси:
- бир дастурдан иккинчисига ўтиш учун;
- талабанинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун. Бунда I кредит-соат – муайян модулнинг семестр давомида талабанинг аудитория ишларининг ҳажмини ОТМ белгидайлиган академик соатга тенгдир.

Ўқитишнинг модулли кредит тизими Европа стандарти бўлган ECTS кўйидаги асосий тамоилиларга таянади:

**Transparency** - бу ECTS тизимига хохлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиксиз киришига шарт-шароит яратиш. Ушбу шарт-шароит очик ахборот мухити тақдим этиш воситасида яратилади, унинг натижасида умумий янгилик, аниклик ва шаффоффлик мухити шакллантирилади.

Мазкур тамоийл доирасида кўйидаги имкониятлар хосил бўлади:

- академик алмашинув доирасидаги талабаларнинг ўкиш натижалари ҳакида бир-бирига ўз вактида ахборот етказиб туриш;
- олий ўқув юртларининг ўз ахборот пакетларининг мунтазам алмашинуви, таълим хизматлари доирасида бир-бирини имкониятларини ўрганиш;
- олий ўқув юртларида ECTS ҳакида тўла маълумотларнинг мавжудлиги.

**Agreement** – тингловчи билан иккала олий таълим муассасасининг ECTS координаторлари орасида мутахассисларни тайёрлаш мазмуни, ўқув тартиби ва муддатлари, аттестация тадбирлари, ўқув режаларидағи фарқни бартараф этиш тартиблари ҳакида ўзаро келишувларини англаради.

**Credits** (кредит) – Host университетда (талабанинг кабул киладиган университет) мувваффакиятли ўтилган барча модуллар Post – университетда (талабанинг бошқа ОТМга жўнатган университет) хисобга олиниши зарур бўлган баллар жамғармаси.

Жаҳондаги давлатларнинг таълим тизимида “кредит” терминини изоҳлаш, тушунтиришда маълум фарқлар мавжуд. Агар таълимнинг Европа кредит тизими ўз ҳажмига кўра аудитория ва ундан ташкири мулокот соатларини ўзида акс эттира, АҚШда кредит соати катъиян факатгина аудиториядаги мулокот вактида ўз аксини топган.

Европа минтақаси ОТМларининг ECTS кредитлари ҳар бир ўқув фани учун умумий ўқув юклamasи, ишчи соатлари сифатида мулокот соатлари тушунилади. ECTS системаси ўзи эътироф этувчи восита бўлиб, у кўп миллатли европа таълим тизимларини яқинлаштиришга хизмат килади. Шунинг учун МДҲнинг баъзи мамлакатларида дунё таълим жараёнларини

• **Бакалавриат** – 3-4 йил давомида ўқитилишга мўлжалланган, академик бакалавр даражасини берувчи олий таълим дастури (айrim постсовет худудларда боскич сифатида тушунилади);

• **Икки мутахассислик берувчи таълим** – Тенг кучли икки мутахассисликни бир вақтда олишга ёки бири асосий ва иккинчиси кўшимча мутахассислик эгаллаш учун параллел имкон берадиган таълим;

• **Докторантурা** – Фан доктори илмий даражасини олишга юкори малакали, салоҳиятилди ўқитувчилар ва илмий ходимларни тайёрлаш максадида фаолият олиб борувчи олий таълимдан кейинги таълим дастури (айrim постсовет худудларда боскич сифатида тушунилади);

• **Масофавий таълим** – таълим олиш шаклларидан бири бўлиб узоқ масофада жойлашган шахсларни электрон ва телекоммуникация воситалари оркали ўқитиш, касбга тайёрлаш, билим бериш фаолиятининг максадли ҳамда методик жиҳатдан ташкил этилган кўриннишидир.

• **Эдвайзер (advisor)-французча “avisen” “ўйламок”**) тингловчиларнинг индивидуал холда битирув малакавий иши, курс лойихаларини бажарища маслаҳатчи ролини бажаради.

• **Фасилитатор** - (инглиз тилида facilitator, лотинча facilis-енгил, кулай) - гурухлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишига йўналтириш, гурухдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

• **Модератор** - кабул килинган коидаларга амал килишни текширади, тингловчиларнинг мустакил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларини ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра сухбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

• **Сиртки таълим (Part-time Education)** – ўкув машғулотларини масофадан ўқитиш орқали амал ошириладиган ва семестр учун нисбатан камрок белгиланган кредитлар асосида олиб бориладиган таълим шакли.

• **Индивидуал ўкув дастури** – Ҳар бир талабанинг таълим йўналиши ва мазмунини белгилайдиган ўкув дастури.

• **Якуний давлат аттестацияси** – Талабаларнинг давлат ва ОТМ томонидан белгилаб қўйилган умуммажбурий стандартларни ўзлаштириш даражасини аникладиган синов шакли. Унинг натижасида битирувчига ОТМнинг тегишли йўналишни тутгатганлик тўғрисидаги хужжат – диплом берилади.

• **Якуний назорат имтихони (Final Examination)** – Ҳар бир академик давр якунида талабаларнинг ўтилган модулларни ўзлаштириш даражасини аниклаш ва баҳолаш максадида ёзма, оғзаки ёки назоратнинг бошқа шакллари орқали олинадиган имтиҳон шакли. ЯНИ шаклини ҳар бир ОТМ ўзи белгилайди.

• **Танлов модуллар** – талаба томонидан мустакил ва ихтиёрий асосда ўкиш ва кредит жамлаш учун танланниши мумкин бўлган модуллар рўйхати;

• **кредит, кредит-соат (Credit, Credit-hour)** – Таълим жараённида Профессор-ўқитувчи ва талабанинг ўкув ҳажмини ўлчаш учун имкон берадиган ягона бирлик.

• **Модул тавсифномаси (Course Description)** – муйян модул тўғрисида қискача, яхлит тасаввур берувчи ва мазмунини очувчи маълумотнома;

• **Умумтаълим модуллари-(General Education Requirement – GER)** – номутахассислик характеристига эга бўлган, кенг доирадаги фундаментал, энг умумий тушунчаларни ва дунёкарашин шакллантирувчи ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар;

• **Мажбурий модуллар (Core Subjects)** – Ўкув дастурини ўрганиш ва муйян мутахассисликни эгаллашда талаба томонидан ўзлаштирилиши катъий белгиланган модуллар йигиндиши;

• **Кундузги таълим (Full Time Education)** – Ўкув режасида белгиланган модулларни ўрганишда талабалардан барча машғулотларга катнашиши талаб этадиган таълим шакли.

• **Портфолио** – талаба ва ўқитувчиларнинг муйян давр оралигига бажараган турли шакл ва мазмундаги балл кўринишида жамгариб бориладиган ишлари йигиндиши.

• **Модулнинг ишчи дастури (Syllabus)** – Ўзининг мазмунни ва таркибида ўрганилаётган модулнинг тавсифини, мақсад ва вазифаларини кўрсатувчи, дарс машғулотларининг қискача мазмуни, давомийлик вакти, мавзулари ва баҳолаш тартиблари, шунингдек талаба модул сўнгтида эгаллаши керак бўлган малака талаблари, назорат турлари тартиби ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини мужассам этган асосий ўкув-услубий хужжат.

• **Оралиқ назорат (Midterm Examination)** – Муйян модул доирасида академик календар ва ўкув режаси билан белгиланган, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниклаш ва сифатини назорат килиш мақсадидаги баҳолаш шакли. Одатда бир семестр давомида икки марта оралиқ назорат ишларини олиш кузатилади. Лекин бу тартиб университет ўкув жамоатчилиги ихтиёри билан ўзгартирилиши мумкин.

• **Мустакил таълим (Office Hours)** – ўқитувчи раҳбарлигига ёки унинг иштирокисиз аудитория машғулотларидан ташқари вақтда, белгиланган жадвал асосида ишлашга мўлжалланган талабаларнинг таълим олиш шакли.

• **Ўртача балл – (Grade Point Average – GPA)** – Талабанинг ўзи танлаган йўналиши бўйича ўқиган модуллари доирасида жамгарган кредитларининг ўртача кўрсаткичи.

• **Тьютор** – амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини олиб борадиган, талабаларнинг мустакил таълимига кўмаклашадиган, академик давр мобайнида курс ишларини, консультациялар ва

интеграцияси учун мустаҳкам асос ва таълимнинг юкори сифатини таъминлашда АҚШ кредит тизимидан фойдаланиш афзал кўрилмоқда. Бир ECTS кредити 24-36 иш соатни кўзлайди, бунга мулоқот машгулотларини барча турлари киради. ECTS тизимида бир ўкув йили мос равища 60 кредитларга, бир семестр 30 кредитларга тўғри келади.

Кўпгина давлатлар таълим тизимида кредит соатларни кенг кўлланилиши кўзга ташланади. Кўп боскичли олий ва олий таълимдан кейинги тизимда (бакалавриат – магистратура – докторантураси) умумийдан шахсий, аввало ўрганувчи маълум бир йўналиш бўйича кенг билимни эгаллайди, сўнгра ихтиносликка йўналтирилган алоҳида ўкув дастурлари орқали тор мутахассисликка ўтади. Бундай тизим, таълим гояси ва методикаси нуқтаи назаридан талабада ўқиш давридан бошлаб бутун хаёти давомида шахсларро муносабатлар малака ва кўнікмаларини шакллантириш имкониятини яратади. Университет таълимига мос равища кўп боскичли тизимдан асосий мақсад кенг дунёкарашли, янги гоя ва ечимларни давом эттирадиган, касбий, шахсий юкори талаблар мавжуд шароитларда ишлай оладиган мутахассисларни тайёрлашdir. Таълим мазмунини яхшилаш ва сифатини ошириш учун барча даражаларга кўра давлат умумтаълим стандартларини такомиллаштириш ва ўйгунлаштириш, инновацион таълим технологияларини жорий қилишини ҳисобга олган ҳолда ўкув режаси ва фан дастурларини ишлаб чикиш лозим бўлади.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби таълимда кредит тизимини ўрганиш, уни амалиётга татбик этиш унинг тушунчалар аппаратини ўзлаштиришни талаб этади. Бу эҳтиёж сўнгги йилларда таълим жараённида кенг кўлланилаётган инглиз тилидаги сўзларнинг оргтани, шунингдек анъанавий равища қабул қилинган шартларни кўллашда таълим амалиётида тўпланган қарама-қаршиликлар, тақрорлашлар ва алогизмлар билан боғлиқ.

Ўзбекистон ОТМларининг халқаро алоқаларини кенгайтириш, миллий таълим тизимини жаҳон тизимига тезкор интеграциялаштириш ўкув жараёнининг ташкилий, методологик ва ёрдамчи материалларини инглиз тилидан ўзбек тилига ўтказишга туртки бўлмоқда. Ўзбекистонда таълимнинг кредит тизимини жорий этишга кўмаклашадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган меъёрларга, таълимга ёндашувларни ифодалайдиган бир катор муҳим тушунчалар ва терминларни тушуниш таълим тизимида фаолият юритувчи ҳар бир шахс учун долзарб масалага айланган. Шунинг учун кўйида мазкур асосий кенг кўлланиладиган терминларни кўйида кўрсатиб ўтамиш:

- “Таълим дастури” - (Educational Program) тушунчасининг реал мазмuni муайян даражада бакалавр, магистратура ва докторантураси “мутахассислик”ни акс эттиради. “Ўкув дастури” (Academic Program) модул тушунчасини англатади ва “Ўкув режаси” (Syllabus) деб таржима қилинади.

Хорижда “курс” дегани “ўрганиш йили” эмас, “фан” ёки “модул” маъносida тушунилади. Дарвоқе,

тушунмовчиликларни бартараф килиш учун “модул” синоними сифатида “предмет”ни фойдаланишдан кочиш тавсия этилади.

- “Факультет” (faculty) атамаси университет бошкарувининг бир кисми эмас, “профессор-ўқитувчilar таркиби” тушунилади.

Профессор ёки ўқитувчи лавозимини билдирадиган тушунча сифатида “Лектор” (Lecturer) ёки тьютор (Tutor) кўпроқ оммалашган. Таълим жараённида биз кўп кўллайдиган ўкув режа Academic Plan деб эмас, “куррикьюлум” (Curriculum) шаклида ишлатилади.

- Академик календарь (Academic Calendar)

– ўкув йили давомида ўкув ва назорат фаолиятини амалга ошириш вакти ва муддатларини дам олиш ва байрам кунлари билан бирга кўрсатадиган йиллик тақвим;

- Академик давр (Term) – олий таълим

муассасаси томонидан белгиланадиган таълим даври. Одатда таълим даври уч шаклга ажратилади: семестр - 14 ҳафталик давр, триместр - 10 ҳафталик давр ва квартал 8 ҳафтада ўтиладиган чораклик давр;

- Академик даражা (Degree) – Муайян

мутахассислик ўкув дастурини тўлиқ ўзлаштириш натижалари бўйича олий ўкув юрти битирувчисига тақдим этиладиган, юкори малакага эгалигини тасдиқловчи даража;

- Академик соат – маъруза, амалий

(семинар), лаборатория машгулотлари учун белгиланган 1 соат (40 дакика) вақт ҳажми. Академик соат микдорини университет Кенгаши ёки маъмуряти томонидан ўзаро келишув асосида ўзгартириш мумкин.

- Академик маълумотнома (Transcript)

– талабанинг муайян семестр ёки курсни у ўқиган модуллар бўйича ўзлаштириш кўрсатичлари тўғрисида ОТМ томонидан бериладиган маълумотнома мазмунидаги хужжат.

- Фаол тарқатма материаллар (Hand-outs)

– дарсгача ва дарс давомида талабаларга электрон ёки чоп этилган ҳолда тақдим этиладиган нисбатан содда, фаол тушунтиришга мўлжалланган, талабани мавзуни, муаммони муваффақиятли ўргатишга ундейдиган, ёрдам берадиган ўкув маълумотлари турлари (тезислар, маъруза матнлари, ҳаволалар, мисоллар, атамалар лугати, мустакил иш учун топшириклар ва ҳоказо).

- Апелляция – талабаларнинг билимини тўғри баҳолангандигини қайтадан аниклашга мўлжалланган ва нотўғри баҳолангандиган ҳолати аникланган ҳолда уни бартараф этиш процедураси;

- Ассистент, доцент, профессор (Assistant Professor, Associate Professor, Professor) – олий ўкув юртларида ўқитувчilarни лавозимларининг номланиши;

- Бакалавр, магистр, доктор (Bachelor, Master, Doctor) – олий таълим ва олий таълимдач

кейинги таълим тизимининг тегишли таълим дастурларини ўзлаштирган шахсларга бериладиган илмий даражалар;

ўкув амалиётини ташкил этадиган муайян ўкув модули ўқитувчиси.

• Жорий назорат – талабанинг муайян модулни ўрганиши давомида ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган модулни ўзлаштириш даражасини аниклаш ва сифатини баҳолаш максадида олиб борадиган тизимли назорат шакли.

• Модул папка – ОТМда муайян модулни ўқитиш ва талаба томонидан ўзлаштириш максадида яратилган, мунтазам кайта ишланадиган ўкув ва ўкув-услубий материаллар мажмуаси.

Бугунги кунда таълим жараёнга модулни кредит тизимини кўллаш жаҳон таълим майдонига кириш учун асосий шартларидан бири хисобланади. Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларининг ўз ўкув фаолиятини ташкил этишда таълимнинг модулли-кредит тизимида олиб борилиши таълим соҳасининг халкаро майдондаги даражасини аниклашга, сифатини баҳолашга, таълим холатини шаффоф, ошкора ва самарадор бўлишига, талаба ва профессор-ўқитувчилар ўз қасбий-педагогик маҳоратлари, билимлари, кўнкималарини доимий ривожлантириб боришга имкон беради.

Шунингдек, академик жараёнга модулли кредит тизими тартибини жорий этиш ўкув дастурларини такомиллаштириш, интеграциялашган ўкув курсларини яратиш, фанларро ўкув дастурлари ва илмий тадқикотлар орқали умумдавлат ва халкаро меҳнат бозорида таълим ва мутахассисларимизнинг ракобатбардошлигини таъминлашга ёрдам беради. ОТМлар иш фаолияти давомида аникланган камчиликларини тузатиш орқали олий таълим тизимини янада ривожлантиришга, уни ташкил этишда янгича ёндашувларни вужудга келтиришга хизмат килади.

Ўзбекистонда олий таълим муассасалари ўкув фаолиятини ташкил этишда ўқитишнинг модулли кредит тизими ва технологияларини жорий этиш бўйича куйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилади:

1. Анъавий таълим тизимининг ижобий ва ҳозирги даврга мос келувчи жиҳатларини саклаб қолган ҳолда, ўқитишнинг модулли кредит тизими ва технологияларини ўзлаштириш. Ҳозирда ўкув фаолияти жараёнлари модулли кредит тизимида олиб бориладиган юртимиздаги хорижий олий таълим муассасалари филиалларига ва ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларига мазкур тизимни жорий этиш учун дастлаб таълимни ташкиллаштирувчи раҳбар қадрларни ва мутахассисларни тизимни ўргатиш. Натижада улар мазкур тизимни ўзлари меҳнат килаётган олий таълим муассасасига татбиқ этишлари мумкин бўлади.

2. Таълим тизимини ташкилий ислоҳ этишни, яъни ўқитишнинг модулли кредит тизимига ўтишини босқичма-босқич амалга ошириш. Бунда ҳар бир олий таълим муассасаси аввал бир кисм йўналишларни модулли кредит тизимига ўтказиш, кейинги йилларда эса қолган йўналишларга ҳам мазкур тизимни татбиқ этиш орқали ОТМга тизимни тўла жорий этиш.

3. Олий таълим муассасалари ўзларининг ўкув, ўкув-методик ва молиявий-ташкилий фаолиятларини юритишида нисбатан мустакилликка эга бўлишлари лозим. Шундай холдагина ОТМлар ўзларининг асосий вазифаси бўлган замонавий, сифатли ва ракобатбардош қадрлар этиштириш ва илмий тадқикотларни олиб боришида аввалига нисбатан самарали ютукларга эришади. Ҳозирги кунда аксарият ОТМлар томонидан илгари сурилётган аксарият таклифлар, инноватив ғоялар ва дастурлар амалга ошиши учун шундай нисбатан эркинликка эга эмаслиги тўсик бўлмоқда.

4. Келажакла эхтиёж мавжуд бўлиши аниқ бўлган ва бизнинг давлатимиз ёки минтақамиз манбаатларини таъминлайдиган, тараккиётiga хисса кўшадиган, шу билан бирга халкаро майдонда ҳам талаб катта бўлган соҳа мутахассисликларини тайёрлайдиган турдош йўналиш ва мутахассисликлар эга олий таълим муассасалари ташкил этиш керак. Бу ҳолат улар ўртасида ўзаро ракобат мухитини юзага келишига олиб келади. Шунингдек ОТМлар ўртасида етарли кредитларга эга талабалар бир семестр ёки ўкув йили давомида бошка турдош йўналишга эга милий, ҳатто халкаро хорижий ОТМда таҳсилни давом этириши учун шаронт яратиб беради.

5. Олий таълимда ўқитишнинг модулли кредит тизими ва технологияларини жорий этиш учун муайян ихтисослик бўйича унинг ўзигагина тегишили бўлган модуллар базасини шакллантириш керак. Шундагина талаба 3-4 йил давомида кўпин билан ўз соҳаси учун мухим бўлган, уни яқиндан ўргатадиган, махсус фанларга кўпроқ вақт ва куч сарфлайди. Шу билан бирга модуллар базасида уларни мажбурий (80%) ва танлов (20%) турларига ажратиш тавсия этилади. Таксимотда фоизлар нисбати ОТМ томонидан ўзгартирилиши мумкин. Ҳудди шундай тартиб ривожланган давлатлар ОТМларида ўрнатилганлиги амалиётда кузатилади. Бу эса умумтаълим йўналишидаги модулларнинг камайишига олиб келсада талабанинг келажакда тор доирадаги юкори сифатли мутахассис бўлиб шаклланишида катта аҳамиятга эга.

6. Модулли кредит тизимида таълим жараённинг шаффофлигини таъминлаш максадида ҳар семестр якунида ОТМ раҳбарияти томонидан олиб бориладиган мониторинг ва модулларни ўқитган ўқитувчилар тўғрисида талабалардан олинадиган сўровномалар хуносаларига кўра профессор-ўқитувчиларнинг рейтингини аниклаш. Мазкур ҳолат ҳар бир педагогда ўз устида доимий ишлашга, ўзининг билим ва малакасини мунтазам ошириб боришга ва шу орқали таълим сифатининг ҳам кескин ортишига олиб келади.

7. ОТМлар ишлаб чиқариш ва давлат бошқарув ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда фаолият юритишилари керак ва улар ўзлаштириш кўрсаткичлари нисбатан яхши бўлган талабаларни рағбатлантириш тизимини йўлга кўйишлари керак. Бу талабаларнинг янада кўпроқ интилишлари учун яхши мотивация беришига олиб келади.

8. Фуқароларни қабул қилиша абитуриентлар ўз хужжатларини электрон топшараш

тартибини йўлга кўйиш лозим. Факат абитуриентлардан сұхбатта келганды үзлари билан хужжатларнинг оригиналларини олип келиш ва тасдиқлаш талаб этилади холос. Тегишли хужжатларнинг оддий сканер варианти бирламчи

хужжат топшириш учун етарли хисобланади. Чунки кейинчалик уларнинг хакконийлигини текшириш имкони хар доим бўлади. Бу жараёнда анчагина вакт, маблағ тежалади ва ортиқча асаббузарликлар, фирибгарликларнинг олди олинади.

### АДАБИЁТЛАР

1. Тожиев М. Важность и значение кредитной системы в развитии высшего образования в ведущих зарубежных странах. // Олий таълим таракқиёти истиқболлари. Маколалар тўплами. -Т.: Vita Color, 2015. -С.55.
2. Абдыгаппарова С.Б. Основы кредитной системы обучения в Казахстане. -Алматы, Казак университети, 2004. -С.647.
3. Болонская декларация "О Европейском регионе высшего образования". г. Болонья, Италия. 1999. [https://en.wikipedia.org/wiki/Bologna\\_declaration](https://en.wikipedia.org/wiki/Bologna_declaration)
4. Experience of Kazakhstan Universities in Implementation of Credit-Modular System of Education. Procedia - Social and Behavioral Sciences, Volume 214, 5 December 2015, Pages 645-650.
5. Болонья декларацияси <http://www.eua.be/policy-representation/higher-education-policies/the-european-higher-education-area-and-the-bologna-process>
6. Болонская декларация "О Европейском регионе высшего образования". г. Болонья, Италия. 1999. [https://en.wikipedia.org/wiki/Bologna\\_declaration](https://en.wikipedia.org/wiki/Bologna_declaration)
7. Пастухова Д.А. European Credit System Of Education. // Научный результат, №3 2015, Москва. -С. 34.

### РЕЗЮМЕ

Образование как один из самых важных факторов развития государства и общества требует регулярные изменений. Поэтому ныне в Узбекистане система образования, так как во всех сферах общества на пороге нового этапа реформирование на государственном уровне, которое основывается эффективного использования опыта развитых стран и которые могут быть применены к нашим национальным мировоззрениям, а также интересам народа.

С этой точки зрения модульно-кредитная система образования, которая практически используется большинством вузов в самых развитых регионах мира, является инновацией для нашей страны. Внедрение этой системы к образованию в университеты Узбекистана требует его изучения и развития. В статье представлен краткий обзор системы, ее принципов и общих понятий. Кроме того, были высказаны некоторые предложения и рекомендации по внедрению модульно-кредитной системы образования в узбекские высшие учебные заведения.

**Ключевые слова:** Кредитная система, кредит, модуль, программа модуля, самостоятельная работа, прозрачность в образовании, средний балл, академическая мобильность, академический обмен, образование двух специальностей, индивидуальная программа обучения, модуль по выбору, обязательный модуль, портфолио.

### RESUME

Education as one of the most important factors in the development of the state and society requires regular changes. Therefore, now in Uzbekistan, the education system, as in all spheres of society on the threshold of a new stage, the reform on the state control, which is based on the effective use of the experience of developed countries and which can be applied to our national worldviews, as well as the interests of the people.

From this point of view, the modular credit system of education, which is practically used by all universities in the developed regions of the world is an innovation for our country. The implementation of this system to education in the universities of Uzbekistan requires its familiarization and introduction. So, the article provides a brief overview of the system, its principles and general concepts. In addition, there are given some suggestions and recommendations on the introduction of a modular credit education system in Uzbek higher education institutions.

**Key words:** Credit system, credit hours, module, module curriculum, independent work, transparency in education, GPA, academic mobility, academic exchange, double degree, individual training program, optional module, mandatory module, portfolio.